

## “Менинг оилам – менинг фахрим”

31 март куни З-ТТЖда “Ер ресурсларини бошқариш” факультети қизлари билан институт психологи М.К. Мухамедова оиласи муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган “Оила мустаҳкам бўлишида аёлларнинг роли” мавзуида тадбир ўтказди. Тадбирда ЕРБ факультет ёшлар билан ишлаш декан ўринбосари Ҳ. Эшова, ТТЖ тарбиячи педагоги А. Хайитова, ЕРБ факультети хотин қизлар кенгashi аъзоси О. Рўзиқулова ва ЕРБ факультети 1-Зкурс қизлари қатнашишди. Тадбирда оила жамиятнинг асоси эканлиги, оиласар йиғиндиси жамиятни ташкил этиши, оила мустаҳкам бўлса, демакки жамият, мамлакат ҳам мустаҳкам ва барқарор бўлиши ва бунда аёлларнинг роли жуда ҳам аҳамиятли эканлиги ҳақида сўз юритилди. Барча иштирокчилар ўз оиласидаги аёлларнинг тутган ўрни ва аёл киши оила мустаҳкам бўлиши учун қандай хусусиятларга эга бўлиши лозимлиги ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтишди. Тадбир ўйин ва тренинглар билан қизиқарли тарзда олиб борилди. Иштирокчилар тўрт гуруҳга бўлинниб “Оила” сўзига ижобий сифатлар келтириб ўтишди. “Биз бирдам оиласиз” ўйин машғулотида иштирокчиларга беш бармоқларини чизиб, ҳар бир бармоққа ўз оиласарига тегишли бўлган бирдамликни таъминловчи анъаналари ҳақида ёзиш кўрсатмаси берилди.



Барча иштирокчилар бу машғулотда фаол қатнашиб ўз оиласарининг анъана ва қадриятларини санаб ўтишди ва машғулот охирида муҳокама қилинди. Тадбир охирида “Вақт ва унинг қадри” ҳақида сўз юритилди ва оила мустаҳкамлигига вақтнинг қанчалик аҳамиятлилиги ҳақида иштирокчиларга тушунча берилди. Ва “Менинг бешта яқинларим” ўйин машғулоти ўтказилди ва муҳокама қилинди. “Бир бўлак олтинга бир бўлак вақтни сотиб ололмайсан” Хитой мақоли ва “Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ” Ўзбек халқ мақоллари орқали иштирокчиларга барча яқинларимиз соғ ва саломатликлари, ёнимизда эканликларида уларни қадрлаб, иззатхурматларини жойига қўйиш лозимлиги ва уларга лойик фарзанд бўлиш бизнинг бурчимиз экани ҳақида сўз юритилда ва ким вақтни қай даражада идрок эта олишини аниқлаш мақсадида “Менинг секундомерим” ўйин машғулоти ўтказилди. Иштирокчиларга ҳар ким ичида санамасдан бир минут вақтни тахминий ўлчаш ва ким бир минут дақиқа ўтди деб ҳисобласа қўлини кўтариши кераклиги кўрсатмаси берилди.



Ўйинда барча иштирокчилар бир минут ўтмасдан қўлларини кўтаришди. Бу билан уларда шошқалоқлик хусусияти мавжудлиги аниқланди. Иштирокчиларга аёл киши идрокли бўлиши шарт эканлиги айрим вақтда шошиб ҳукм чиқаришнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунча берилди. Айрим вақтларда эса, айниқса кимгадир тез ёрдам бериш керак бўлиб қолса шошқалоқликнинг ҳам ижобий томонлари ҳақида сўз юритилди. Тадбирда иштирокчи қизлар аёл киши ҳар бир масалага тадбиркорлик билан ёндошиб, “олтин ўрталиқ”ни идрок этиб фикр юритса, ҳар бир масалада меъёр ва мезонидан оширмай ҳаракат қилса ҳаётда ўз ўринларига эга бўлишлари мумкинлиги ҳақида маълумотлар олишди. Тадбирда қатнашган барча юқорида номлари зикр этилган педагогларимиз ҳам ўзларининг олтиндан қимматли ҳаётий тажрибалари, оиласада аёл кишининг ўрни ва роли ҳақида сўзлаб иштирокчиларга маслаҳатлар беришди. Тадбирда ЕРБ 115-гуруҳ талабаси Қурбонова Шахноза, ЕРБ 113-гуруҳ талабаси Бозорбоева Мафтуна, ЕРБ 301-гуруҳ талабалари Абдукаримова Ирода ва Холмўминова Наргизалар фаол қатнашишди. Тадбир қизғин тарзда ўз якунига етди.